

“Тасдиқлайман”
Ўзбекистон Республикаси
Алкоголь ва тамаки бозорини
тартибга солиш ҳамда
виночиликни ривожлантириш
агентлиги директори ўринbosари
Ш. Ражабов



2022 йил

**Соҳа тарихи ва бугуни, олиб борилаётган фаолият ва ютуқларни ёритиш
учун ҳужжатли фильм тайёrlаш бўйича**

техник топшириқ

№ п/п	Асосий маълумотларнинг номи ва талаблар	Асосий маълумотларнинг мазмуни ва талаблар
1.	Талабгор	Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги
2.	Лойиҳани амалга ошириш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 ноябрь куни 753-сонли Қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги” низоми, Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Матбуот котиби билдиргиси ҳамда Агентлик директорининг кўрсатмаси
3.	Лойиҳа тури	Соҳа хақида ҳужжатли фильм тайёrlаш
4.	Молиялаштириш манбай	Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги жамғармаси хисобидан
5.	Танлов шарти	Танлов асосида аниқланади.
6.		- Соҳанинг 4-6 минг йиллик тарихини ёритиш.

	Буюртмачи томонидан бажарувчидан талаб этиладиган ишлар ва хизматлар рўйхати ва уларнинг хажми (микдори)	<ul style="list-style-type: none"> - Соҳага оид тарихий ёдгорликлар ва худудлар миқёсида шу вақтгача амалга оширилган ишлар ва бугунги кунда соҳага қаратилаётган эътибор ҳамда амалга оширилаётган ишлар кўламини ёритиш; (Қорақалпоғистон Республикаси жойлашган Элликқалъа, Сирдарё вилоятининг Ховас туманидан топилган ёдгорликлар ва “Ховренко” АЖдаги республиканинг “Олтин фонд”ига киритилган қадимий винолар сақланадиган ертўла-погреб мисолида). - Тарихий воқеаларни жонлантириш ва фильм таъсирчанлигини ошириш мақсадида актёрлар ижросида воқеа-ҳодисани гавдалантириш. - Соҳада узок йил фаолият олиб борган меҳнат фахрийлари, бугунги кунда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган ибратли ходимлар ҳамда ташкилот раҳбарлари иштирокида интервьюлар ташкил этиш. - Республика худудларида жойлашган корхона ва ташкилотлар фаолияти, мавжуд узумзорлар ва ишлаб чиқариш салоҳиятини қамраб олиш. Экспорт салоҳияти ва амалдаги режалар тўғрисида тўхталиш. Бунда қўйидаги корхоналарни фаолиятини қамраб олиш: - Бухоро вилоятида жойлашган “Шоҳруд” АЖ фаолияти; - Фарғона вилоятида жойлашган “Farg‘ona-France” фаолияти; - Тошкент шаҳрида жойлашган “Тошкентвинокомбинати” АЖ фаолияти; - Самарқанд вилоятида жойлашган “Боғизағон” МЧЖ фаолияти; - Тошкент вилоятида жойлашган “Узумфермер” кластри фаолияти. <p>Фильм учта тилда яъни, ўзбек тили, рус тили ҳамда инглиз тилларида бўлиши шарт.</p>
7.	Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар	<p>Етказиб берувчи ташкилот ушбу йўналишда фаолият олиб борган бўлиши зарур (Гувоҳнома); Соликлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган карзларнинг йўқлиги (маълумотнома); Етказиб берувчи ушбу танлов бўйича</p>

	<p>хизматларни техник топшириқларга қатъий мувофиқ тақдим этиш тұғрисидаги кафолат хати бериши шарт;</p> <p>Иштирокчи қуидаги босқичда бүлмаслиги: қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик (кафолат хати);</p> <p>Етказиб берувчи ташкилотда камида 2 та профессионал ходимга эга бўлиши керак; (Мавжудлиги тұғрисида кафолат хати);</p> <p>Етказиб берувчи томонидан тасвирга олиш учун камида 2 дона РЕД камера ҳамда 1 дона дрон мавжуд бўлиши (лицензияси мавжудлиги қатъий тартибда) керак; (Кафолат хати); замонавий ёритиш ускуналари эга бўлиши шарт.</p> <p>Монтаж жараёнлари Davinci Resolve дастури орқали амалга оширилиши, бундан ташқари, мураккаб график (3 D) маҳсус эфектлардан фойдаланиш шарт.</p> <p>Етказиб берувчи ташкилот бўйича камида 5 тадан видеоролик ҳамда камида 2 та фильм тайёрлаган бўлиши керак; (Қилинган ишлари бўйича намуна);</p> <p>15 га яқин актёр ва актрисалар шундан, 4 та машҳур, тажрибали, эл ардоғидаги актёр ва актрисалар (буортмачи томонидан танлаб олинади (Танлаш учун варианtlар); Мазкур актёрлар соҳага оид тарихий образларни яратишлири талаб этилади. Шу мақсадда, мазкур образни яратиш учун тарихий либослардан ва реквизитлардан (Түялар карвони, ўз даври шоҳ саройи, вино маҳсулотлари сақланган маҳсус хумдонлар, вино маҳсулотини истеъмол қилиш ва саклаш учун қувшинлар) фойдаланилади.</p> <p>Видеороликка тажрибали сухандон юқорида келтирилган 3 та тилда овоз бериши зарур (Буортмачи томонидан танланади); Роликка ва фильмга ҳам.</p>
--	--

8.	Дизайн талаблари	<p>Дизайн Агентликнинг корпоратив услугига мос келиши керак. (ширфт, логотип ва ҳокозо)</p> <p>Услуб: Тақдимот ва тасвири ҳужжатли фильм ҳамда тақдимот ролиги.</p> <p>Контент талаби:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Соҳа тарихи ва бугунини ёритишни тўлақонли ўз ичига олган 20 дақиқадан 25 дақиқагача бўлган вақт оралиғидаги ҳужжатли фильм яратиш. Бундан ташқари, 3-5 дақиқалик “Узум сайли” учун алоҳида ролик тайёрлаш. 3. Овоз эфектлари. Ҳамроҳ мусиқа.
9.	Бажариладиган ишлар ва хизматларнинг аниқ манзили.	<p>Тошкент шаҳри, Қарақалпоғистон Республикасининг бир қатор дикқатга сазавор тарихий топилмалари ва бир қатор вилоятлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Бухоро вилоятида жойлашган “Шохруд” АЖ фаолияти; - Фарғона вилоятида жойлашган “Farg‘ona-France” фаолияти; -Тошкент шаҳрида жойлашган “Тошкентвинокомбинати” АЖ фаолияти; -Самарқанд вилоятида жойлашган “Боғизағон” МЧЖ фаолияти; -Тошкент вилоятида жойлашган “Узумфермер” кластри фаолияти.
10.	Муддатлари, бажариладиган ишлар баҳоси:	20 иш куни. Тўлов нархи 300 млн.
11.	Тўлов шартлари:	<p>Олдиндан тўлов 30%</p> <p>Бутун буюртмаларни қабул қилиш актига кўра 70% тўлаш.</p>